

МУМТОЗ ЛИРИК АСАРЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ СПЕЦИФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ҳакимов Дилшодбек
Алишер Навоий номидаги
Ўзбек тили ва адабиёти
университети ўқитувчиси*

Аннотация: *Мазкур тадқиқотда мусулмон шарқи мумтоз лирик асарлари бошқа динга эътиқод қиладиган халқлар тилларига қилинган таржималарда, асардаги кўчма маъно, сўзнинг муайян асаргагина тегишли яширин маънолари эътибордан четда қолиб кетиши ва асарнинг асл моҳияти ифодаланмай қолиши каби ҳодисалар таҳлил қилинди.*

Калит сўзлар: *мумтоз лирик асарлар, шеърлар, таржималар, газал, таҳлил.*

Аннотация: *В данном исследовании анализируются случаи как при переводе классических лирических произведений мусульманского Востока на языки народов, исповедующих другие религии, остаются вне внимания скрытые значения, метафоры и определённые аллегорические смыслы слов, относящихся к оригинальному произведению, что приводит к искажению его подлинной сути.*

Ключевые слова: *классические лирические произведения, стихи, переводы, газель, анализ.*

Abstract:

This study analyzes cases in which, during the translation of classical lyrical works of the Muslim East into the languages of people of other faiths, certain metaphorical meanings and hidden nuances specific to the original work are overlooked, resulting in a failure to convey the work's true essence.

Keywords: *classical lyrical works, poetry, translations, ghazal, analysis.*

Дунё тамаддунига, инсоният маънавий дунёқарашининг юксалишига улкан хисса бўлиб кўшилган ўзбек мумтоз адабиёти намоёндаларининг асарлари, жумладан Навоий ижоди, хусусан ғазаллари жуда кўплаб тилларига беназир талант соҳиблари томонидан маҳорат билан таржима қилинган. Шу ўринда, ҳазратнинг келмади радифли ғазалининг таржимаси ва унинг мақтасидаги бода лафзига эътибор қаратамиз:

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,

Не учунким бода келган уйга қайғу келмади. 1

Лисоний бирлик сифатида бода ўзбек тилида маст қилувчи ичимлик, вино маъносини ифодалаши маълум. 2 Шу маънода, мақтанинг рус тилига қилинган таржимасида ҳам:

Наваий, хмельною чашей сердец дом развесели:

Где вино – там скорбь не гостья, не родня – чтоб не пришла! 3

Демак, биринчи мисрасида – хмельною; иккинчи қаторда – вино, яъни ҳар икки мисрада ҳам маст қилувчи ичимлик тарзида келади.

Байтнинг инглиз тилига қилинган таржимада:

O Navoiy, regale your heart with wine

For to a home where wine is poured, sadness

cannot come! 4

Унинг ўзбекча вариантыда кузатганимиздек ҳар икки мисрада бода – wine маст қилувчи ичимлик сифатида аслига мувоффиқ талқин қилинади. Ҳазалнинг бошқа тиллардаги таржималарида ҳам байтнинг юраги вазифасини бажариб турган сўзнинг мазмунида юқоридаги ҳолат, яъни донор тилдаги маъно табиий равишда такрорланади. Бирорқ айни кунлардаги вазият “ушбу сўз мазкур байитда маст қилувчи ичимлик маъносида эмас” деган ҳақиқатни айтишга имкон беради. Дарҳақиқат, Давлатшоҳ Самарқандий эътироф этган “шариатнинг пуштипаноҳи, диннинг раҳнамози” бўлган зот айни мисраларда ўз эътиқодига зид муносабатда бўлмаса керак, деган ҳақли мушоҳадага олиб келади.

Бошқа тиллардаку майликуя ҳатто ўзбек тилида ҳам бода лафзини бармоқ билан санарли мутахассислардан бошқа кўпчилик, шеър ихлосмандлари матндаги ўрнидан қаътий назар моддий маънода тушинади. Ана шу ҳолат ғазаллардаги сўзларнинг матнидаги индивидуал маъноларини халқимизга етказишимиз лозимлигини англатади.

Шу маънода, ўтган асрда ижтимоий-сиёсий вазиятга кўра юқоридаги каби асарларни моддий томонлари – юзаки маънолари мадҳ этилган бўлса, эндиликда Халқнинг, миллатимизнинг маънавий дунёқараши юксалиб бораётганлиги шу ва шу каби асарларни маънавий маъноларини англаш ва ўрганишни тақозо этади.

Ҳазал – юксак даражадаги маънавият, илм ва тафаккурнинг маҳсули, сир-синоатлар уммони эканлиги маълум. Шу маънода, ғазал матнидаги бирликларни тўғридан-тўғри, яъни фақат лексик маъноси билангина қабул қилиш, тушиниш асарнинг моҳиятини англамасликка у ҳақида юзаки тушунча пайдо бўлишига, асл моҳиятдан узоқлашишга олиб келди. Бошқача айтганда, ҳазрат Навоий ушбу мисралар орқали маст қилувчи ичимликка даъват қилган, десак ҳақиқатдан йироқлашиб кетган бўламыз.

Мазкур масалага аниқлик критич учун ғазаллар матнидаги лисоний-нутқий бирликлар ифодалаган маънолар талқинини шартли равишда уч босқичда кўриб чиқиш лозим бўлади. Биринчидан, мумтоз адабиётда кенг қўлланган ва XX асрда замон талабига кўра тўғридан-тўғри луғавий, агар айтиш мумкин бўлса - моддий маъноси билан қабул ва таҳлил қилиш май, бода – маст қилувчи ичимлик; майхона – маст қилувчи ичимлик сотиладиган ва ичиладиган жой; жонона, маъшука, ёр, дилбар – гўзал аёл; ошиқ – маълум бир (кўпинча) аёлни ёқтириб қолган шахс; кўнгил – кишининг хоҳиши, истаги; ишқ – севги; қадах – спиртли ичимлик ичиладигин идиш, ана шу ичимликнинг муайян қисми тарзидаги талқинлар билан чакланиш ҳолатлари.



Иккинчидан, ёрнинг - тишини дурга, лабини лаълга ёки ғунчага; маъшукани гулга, маъшуканинг юзини офтобга; ошиқни булбулга ўхшатиш каби фикрлар билан чекланиш, ўтган асрдаги ижтимоий муҳит тақозосига кўра ушбу масалага ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошиш натижасида нисбатан даврига мос келадиган кулиминцион таҳлил усули.

Учинчидан, лисони-нутқий бирликнинг бевосита матндаги маънави маъноларига эътибор бериш натижада: бода – имон; май – Оллоҳ ҳақидаги суҳбат; майхона – Оллоҳ ҳақида суҳбат қуриладиган жой; жонон(а) – Оллоҳ; маъшуқа – Оллоҳ; ошиқ – сўфий, инсони комил; жом, қадаҳ – комилнинг қалби; кўнгил – Оллоҳнинг мулки; мусофир – ҳаётлик чоғи; ҳаробот – сўфийнинг ўзи билан ўзи ёлғиз қолиб, ҳаққа етишадиган жойи маъносида ғазалларни теранроқ англаб тушуниш мустақиллик даврининг маҳсули сифатида кўзга ташлана бошлади.

Шарқ мумтоз лирикасида асарда қўлланган сўзларнинг асосий қисми кўчма маънода, баъзан эса мутлақо қутилмаган тарзда бошқа бир оламнинг мулкига айланган бўлиш мумкин. Мазкур ҳолатни нафақат мутахассислар балки ўқувчи ва ихлосмадлар ҳам англаши лозим бўлади. Ана шу эҳтиёжни қондириш йўлида профессор Анвар Ҳожиаҳмедов томонидан нашр қилинган “Навоий ғазалларининг насрий баёни” қўлланмаси намуна сифатида анъанага айланиши лозим. Ҳар бир асарни уч ҳил, яъни – оддий, ўртача, мураккаб шарҳлаш мумкин.

Ушбу ҳаракат таржималарда ҳам ўз аксини топиш зарур. Ана шунда бошқа минтақалардаги ихлосмандлар ҳам мумтоз асарларимизнинг асл моҳиятини тушунишларига ёрдам берган бўлаемиз.

Айни чоғда ғазал матнида мавжуд бўлган лисоний-нутқий бирликлар маъноларини ўрганиш ва ундаги ҳар бир лафзнинг мазмун моҳиятига асарнинг умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёндошиш, ғазалнинг умумий мазмунига жиддий таъсир қиладиган айрим бирликларни алоҳида ўрганиш орқали асарда берилган фикрни тўғри ва аниқ талқин қилиш имконияти яратилди.

Ижодкорнинг эътиқоди унинг асарларида акс этиши табиий ҳол албатта. Шунга кўра маълум бир эътиқоддаги ижодкорнинг асарлари бошқа динга эътиқод қилувчиларнинг тилида етарли даражада ўз ифодасини топа олмаслиги эҳтимоли кўпроқ. Ана шу нарса шарқ мумтоз адабиёти намоёндалари асарларнинг ғарб халқларнинг тилларига қилинган таржималарида яққол кўринади.

Шу маънода май куйчиси - Умар Ҳйём ижодига мурожат қилишни лозим топдик. Шеърни дастлаб форсидаги намунасига мурожат қилаемиз.

Гар бода хўри ту бо хирдмандон хўр,
 Ё бо санами лола рўхи хандон хўр.
 Бсёр махўр ва радмакў фош масоз,
 Андак хўр ва гаҳ-гоҳ хўр ва пнҳон хўр.

Айни шу асарнинг ўзбек тилига қилинган таржимасига эътибор қаратамиз

Май ичсанг, оқилу доно билан ич,

Ёки бир гул юзли зебо билан ич.
 Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич ҳам яширин ич,
 Эзма, расво бўлма, ҳаё билан ич.

Донор ҳамда истемолчи тил эгаларини эътиқоди бир-бирига яқин бўлган тақдирда таржима нисбатан мувофақиятли чиқиши мумкин.

Ҳар икки тил эгаларнинг ассосий қисми ислом динига эътиқод қилиши шеър матнидаги бирликларни бир хил тарзда талқин қилиш имконини беради. Бироқ асарнинг рус тилига қилинган таржимаси ҳақида юқоридаги фикр ўзини оқламаслиги табиий:

Пей с мудрой старостью златоречивой,
 Пей с юностью улыбчиво-красивой.
 Пей, друг, но не кричи о том, что пьешь,
 Пей изредка и тайно – в миг счастливый.5

Мумтоз лирик асарларда мисрада ёки байтда нафақат бир сўз кўчма маънода балки бутун бошли асарда кўчма маъно етакчилик қилиши кузатилади. Яъни бир сўзнинг маъноси, кўчма маъноси мазмун-моҳиятига кўра асарни бутунлай бошқа бир оламнинг мулкига айлантириб юбориши мумкин. Шу маънода, Муҳтарам Президентимиз томонидан китобхонлик ва ўзликка қайтиш Давлат сиёсати даражасига кўтарилган айни чоғда юксак даражадаги маънавият ва тафаккурнинг маҳсули бўлган шоҳ асарларни ўтган асрдаги каби моддий шаклини талқин қилишга мажбур эмасмиз, балки хослик, яратганни таниганлик мақомида тушиниш, англаш инсонни фақат поклик ва эзгулик руҳида тарбиялаши ҳамда комилликка етаклашини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Шарқ мумтоз шеърларини тушуниш, англаш - академик Б.Назаров ибораси билан айтганда «кишидан маълум даражадаги тайёргарликни талаб қилади». Ёки таникли Навоийшунос олим, Профессор Иброҳим Ҳаққулов таъкидлаганидек шарқ шеърлятида модда эмас балки кўнгил куйланади. Кўнгил эса кузатганимиздек Оллоҳнинг мулки.

Кўнгилни Оллоҳ яратган, Каъбани эса инсон – Иброҳим алайҳиссалом томонидан барпо қилинган. Шуннинг учун ҳам баъзи лирик асарларда кўнгил каъбадан устун қўйилади.

Маълумки, инсон кўнгли миллий менталитет даражасидаги ҳодиса, фақат уни суйиътемом қилмаслик лозим.

Юқорида кузатганимизек Оллоҳ ҳамда имон бир-иккинчиси билан узвий боғлиқ. Ана шу узвийлик Оллоҳнинг ошиғи бўлган Шох Машрабнинг на килай радифли ғазалининг иккинчи байт биринчи мисрада яққол кўринади:

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак,6

яъни ёр – Оллоҳ; бода – имон маъносида қўлланган. Мисрада, мусулмон дунёсининг муқаддас зиёратгоҳи жойлашган Маккага бориш учун кишида имон бўлиши ва у инсоннинг қалбида Оллоҳ бўлиши керак деган фикр мужассамлашган.

Шу маънода, ўқувчи ва талабаларимизга мумтоз асарларнинг маъно моҳиятига тўғри аҳамият бериш лозимлиги ҳақида, ва уларни тўғри талқин

қилиш лозимлиги ҳақида етарли даражада аҳамият берадиган даври келганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Кўнгил ни – Каъба ни фақат имон билангина хуррум (нурурафшон) қилиш мумкинлиги ҳеч қандай далил-исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эканлиги бутун мусулмон дунёсига маълум (асарнинг бошқа этикоддаги миллатларнинг тилларига қилинган таржималаридаги вино сўзига сноска сифатида берилади)...

Ҳазалларда сўзларни беқиёс даражада кўчма маънода қўлланиши сабаблари хусусида – биринчидан, маълумки, яширин, пинхоний нарса ва ҳодисалар кишилар эътиборини ўзига кўпроқ тортади, қадирлироқ бўлади; иккинчидан, сўз қўллаш маҳорати орқали, бир хилликни четлаб ўтиб, ранг-барангликни таъминлаган; учинчидан, ғазалнинг, байтнинг равонлигини, жилосини, фусункорлигини оширган; тўртинчидан, байтнинг таъсирчанлигини кучайтирган; бешинчидан, ўқувчини толиқтирмасдан, уни тафаккур қилишга ундаган; олтинчидан, зоҳирий маънодаги бода авом учун қанча “лаззатли” бўлса; ишқ аҳли учун имон лаззати беқиёс эканлигини идрок қилиш мумкин; еттинчидан, ана шу ранг-барангликнинг барчаси жам бўлиб асарнинг умирбоқийлигини таъминламоқда. Қисқаси мумтоз асарларнинг сир-синоатлар уммони ҳақидаги фикримизни – Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидовнинг (ундан)...Ким нени изласа топгай бегумон,., деган сатрига қиёслаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий тўла асарлар тўплами 10 жилдли 3-жилд Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ғофур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. Тошкент 2011 йил, 613-б.
2. Навоий асарлари луғати. “Фан” 4 жилдли, 1-жилд 1987 й. 67-б.(??); Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5 жилдли 1-жилд
3. Алишер Наваи // X том, I – том, «Фан». Тошкет – 1968 год, 419-с.
4. Алишер Навоий Уммондан дурлар «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош тахририяти Тошкент 2000. 107-бет.
5. Умар Хайём Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент 1970 йил. 50-б. Таржимон Шоислом Шомуҳаммедов. Русский перевод Владимира Державина
6. Машраб Девони «Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти» Тошкент 1960 йил 71-б.